

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ЎРАЗБАЕВА МАҲБУБА ҚАДАМБАЕВНА**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА АЁЛ ОБРАЗИ**  
**ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

<b>Ўразбаева Махбуба Қадамбаевна</b> Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи ва унинг қиёсий таҳлили.....	3
<b>Уразбаева Махбуба Қадамбаевна</b> Образ женщины в современных узбекских романах и его сравнительное толкование.....	25
<b>Urazbayeva Makhbuba Qadambayevna</b> The image of a woman in modern Uzbek novel and its comparative analysis.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ЎРАЗБАЕВА МАҲБУБА ҚАДАМБАЕВНА**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА АЁЛ ОБРАЗИ**  
**ВА УНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD /Fil.394 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қахрамонов Курдош Ялғашевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Баҳодир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Носиров Азмиддин Нормаматович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси ЎЗР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» апрель соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан ЎЗР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» апрель да тарқатилди.  
(2021 йил 7 апрель даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Ф.Каримов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
филол.ф.д., академик

**Р.Баракаев**  
Илмий даражалар берувчи,  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**И.Ч.Ҳаққулов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, филол.ф.д.,проф.

## **КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида аёл образини ўрганиш муаммолари XX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Дунё адабиётининг Жек Лондон, Чарльз Диккенс, Маргарет Дрэбл, Рашод Нури Гунтекин каби етук намояндалари яратган романларда аёл култи ва унинг миллий-инсоний қадриятлар билан боғланиши бу борада муҳим омил сифатида хизмат қилиб, аёл бадиий асарда тасвирланаётган образларнинг жуфтлиги сифатида етакчи қаҳрамонлардан бири мақомида ўрганилиши, унинг характер хусусиятлари, жамиятда тутган ўрни, маънавий-ахлоқий оламини кўрсатиш, ўзини, ўзлигини намоён этиши тадқиқини асосий масалалардан бири даражасига кўтарди. Айниқса, “Аёллар адабиёти”нинг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши аёл образини адиб ва адибалар ижодидаги ўзига хосликлар нуқтаи назаридан янгича ёндашув ва тамойиллар асосида қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш имкониятини яратди.

Дунё адабиётшунослигида адибалар яратган аёл қаҳрамонларнинг адиблар асарларидаги аёл образига нисбатан бир қатор ўзига хос индивидуал хусусиятларга эгаллиги уларни қиёсан ўрганиш ҳамда алоҳида характер сифатида эътироф этиш учун асос бўлмоқда ва бу борада янги йўналишлар майдонга келмоқда. Глобаллашув муаммоларининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлари фониди замонавий миллий адабиётларда яратилаётган аёллар қисматида ҳам ўз акс-садосини топаётгани адабиётшуносликда бу образларни янгича тамойиллар асосида ўрганишни долзарб масалалардан бири қилиб қўймоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида шўролар даври адабиётида кўпроқ ишчи кучи, “бахтли турмуш” эгаси сифатида тасвирланган аёлларнинг ҳозирги давр романларида ўта мураккаб қисмат ва зиддиятли характерга эга, баъзида эса турмуш ташвишлари боис саргардон кезган ожиза – фожиали образларга айланишининг ижтимоий асосларини даврлар бухронлари қиёсида тадқиқ этиш икки давр адабиётининг ўзига хосликларини белгилаш нуқтаи назаридан муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади. Айниқса, адибалар ижодида аёллар асосий қаҳрамонларга айланиб, қисмати, руҳияти, маънавияти, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи билан уйғунликда тасвирланиб, ҳаёт чорраҳаларида сарсон-саргардон кезаётган қаҳрамонлар тимсолида намоён бўлаётгани аёл образининг руҳияти, маънавияти, инқирози қай йўсинда ифодалангани, адиблар ижодида бу жараён қандай кечаётганини ўрганиш ҳамда ўзбек адабиётидаги аёл образини жаҳон адабиёти намуналари билан қиёслаб тадқиқ этиш орқали муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аёллар образи жаҳон адабиётшунослигида инглиз, рус, хитой, япон, татар, озарбайжон каби кўплаб халқлар адабиётшунослигида тадқиқ этилган ва бу каби илмий тадқиқотлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда<sup>1</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида аёллар образи масаласи Ш.Абдуллаева, А.Мўминова, Х.Лутфиддинова, П.Кенжаева, О.Дуйсенбаев, Ю.Эшматованинг илмий тадқиқотларида махсус ўрганилган бўлса<sup>2</sup>, М.Шайхзода, М.Ғолима, М.Муродов, З.Исомиддинов, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, Б.Ражабова, С.Тўлаганова, М.Кўчқорова каби олимларнинг кузатишларида ёндош мавзу сифатида тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Аммо мустақиллик йилларида яратилган романларда аёллар образининг яратилиши, уларнинг ўзига хос ва муштарак жиҳатлари қиёсий аспектда махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup>Қаранг: [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com); [www.dissnatib.com](http://www.dissnatib.com); [www.dslib](http://www.dslib).

<sup>2</sup>Абдуллаева Ш. Алишер Навоийнинг хотин-қизлар ҳақидаги гуманистик фикрларига доир (“Хамса” асарлари): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1954. – 119 б.; Мўминова А. Ўзбек халқ эртақларида хотин-қизлар образи: Филол. фан. номз...дисс. –Тошкент. 1967. – 230 б.; Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 1994. – 136 б.; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент. 2009. – 128 б.; Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов ижодида она образи: Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 2012. – 144 б., Эшматова Ю. Истиқлол даври ўзбек кинесачилигида аёл руҳиятининг бадиий талқини. Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 135 б.;

<sup>3</sup>Шайхзода М. Навоий ижодида аёл образи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1972. – Б. 58–68; Ғолима М. Туроннинг алп қизлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 112 б.; Муродов М. Ўзбек “Гўрўғли” дostonларида хотин-қизлар образи // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент.: 1961, №6. – Б. 27–34; Лутфиддинова Х. Гулларнинг раъноси. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997. – 45 б.; Исомиддинов З. Икки аёл / Ўзбек адабий танқиди. – Тошкент:TURON – IQVOL, 2011. – Б. 372–385; Йўлдошев Қ. Кинояга йўғрилган умид // Жазирамадаги одамлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2005. – Б. 234.; Йўлдошев Қ. Дунёда менинг тасаввуримдан бошқа нарса йўқ... // Оворанинг кўрган-кечирганлари. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 3–14; Солижонов Й. XXI аср насри манзаралари. Мавзу, муаммо ва ечим // Шарқ юлдузи. 2011. № 4, – Б. 147–157.; Ражабова Б. Оналар билан суҳбат. – Тошкент: Turon zamin ziyo. 2014. – 55 б.; Ражабова Б. Муштарак адабий ҳодисалар. – Тошкент: Muharrir. 2019. – Б. 82–87, 128–142; Тўлаганова С. Бадиий қаҳрамон руҳияти муаммоси. – Тошкент. Низомий номидаги ТДПУ Ризограф. 2014. – Б. 144–145.; Кўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016;

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига биноан ОТ– Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жылдлигини нашрга тайёрлаш” (2017 – 2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образининг яратилиши масаласини қиёсий аспектда, умумбашарий ва миллий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган, маънан ва руҳан янгиланаётган қаҳрамонлар сифатида ўзлигини намоён этувчи жиҳатларини кўрсатишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон ва ўзбек адабиётшунос олимларининг аёл образи масаласига бағишланган кузатишларига экскурс қилиш ҳамда уларга илмий-танқидий муносабат билдириш;

аёл образи яратилишининг тарихий илдизларига назар ташлаш, хусусан диний-мифологик манбаларда, афсона ва ривоятлар, дostonлар ҳамда ёзма адабиёт намуналарида намоён бўлиш усулларини кўрсатиш;

истиклол даври ўзбек романчилигида аёл образининг ўзига хос етакчи жиҳатларини аниқлаш;

ҳозирги ўзбек романчилигида яратилган аёл образларига қиёсий аспектда ёндашиб, жаҳон ва ўзбек адабиётида аёл характерини яратишда умумбашарий ва миллий хусусиятларини ёритиш;

адибалар ижодида реалистик воқеалар орқали аёл образининг қисмат даражасига кўтарилганини таҳлиллар орқали тасдиқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мустақиллик даври ўзбек романчилигида яратилган Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайдими”, Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн”, “Дашту далаларда”, Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари” асарлари, қиёслаш учун эса баъзи ўринларда Исажон Султон, Чарльз Диккенс, Жамила Эргашева, Зулфия Қуролбой қизи романлари ҳам таҳлилга тортилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни романларда аёл образини яратиш масаласи, тамойиллари, давр фожиасини кўрсатишдаги ўрни ва ёзувчи маҳорати, аёл образининг етакчи қаҳрамон даражасига кўтарилиш масалаларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга оширишда қиёсий, герменевтик, психологик таҳлилдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек реалистик адабиётидаги сеvimли маъшуқа, меҳрибон она, ижтимоий ҳаётга боғланиб қолган жафоқаш аёлнинг 80-йилларга келиб маишатпарастлик ва манфаатпарастлик каби салбий жиҳатлари билан акс этган образ сифатида тасвирлана бошлагани кўрсатиб берилган;

мустақиллик даври романчилигида адибалар романларидаги аёллар образи характер хусусиятига кўра беш гуруҳга ажратиб таснифланган;

Тоғай Мурод романларидаги аёл қаҳрамонлар шўро даври адабиётида акс этган аёлнинг кўтаринки образларига зид тимсол сифатида намоён бўлиши асосланган;

Нормурод Норқобилов асарларидаги аёллар образида миллий ва маҳаллий колорит (адиб болалиги кечган юрт) ҳамда халқ дostonлари аёл қаҳрамонларига хос хусусиятлар аниқланган;

Лукмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романини инглиз адиби Чарльз Диккенснинг “Катта умидлар” романига қиёслаш орқали аёл тимсолидаги умуминсоний ва миллий хусусиятлар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** кўйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётида аёл образи тарихан шаклланган, ижтимоий-психологик ва маънавий жиҳатга кўра ўзига хос характер эканлиги тизимли тарзда асослаб берилган;

мустақиллик даври романчилигида шўро даври аёллари ижтимоий-сиёсий босимлар қурбонлари сифатида тасвирланишининг мафкуравий асослари кўрсатилган, ҳозирги ўзбек романларида аёл образига хос етакчи хусусиятларга аниқлик киритилган;

ҳозирги ўзбек насрида аёл образини яратишда миллий-исломий кадриятлар ва халқ оғзаки ижоди аънаналаридан таъсирланишнинг руҳий-маънавий, ахлоқий-тарбиявий аҳамияти кўрсатилган;

Исажон Султоннинг “Генетик” асаридаги София хола образида диний-мифологик мотивлардан фойдаланиш маҳорати очилган;

Ўзбек ва инглиз романларида аёл образи қиёсий аспектда ўрганилиб, муштарак ва ўзига хос хусусиятлари илмий далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, улар қиёсий, психологик ёндашув методлари асосида олиб борилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти адабиётда аёл образини яратиш маҳорати, давр ва шахс муаммоси, образлар тимсолида умуминсоний ва миллий кадриятлар талқини каби назарий масалаларни адабий жараён кесимида ўрганиш ҳамда ўзбек романчилиги тараққиёт тамойилларига оид тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти кузатув таҳлиллари ва илмий хулосаларининг олий ўқув юртлари, академик лицей, умумтаълим мактаблари учун ўзбек адабиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи ва унинг қиёсий тадқиқи натижалари асосида:

аёл образининг яратилиши ҳамда рус, европа ва МДХ давлатлар адабиётшунослигида ўрганилиши, унинг назарий илмий-эстетик асослари, сўнгги давр ўзбек романчилигида аёл образи, глобаллашув жараёнида ўзгараётган руҳий олами манзараларининг бадиий адабиётда ифодаланишига доир хулосалардан ОТ-Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадиий



талқини ва замондош образи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1255-2450 маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши туфайли лойиҳа аёл образининг жаҳон ва ўзбек адабиётидаги глобал моҳиятига оид янги қарашлар билан бойитилган;

XX аср ўзбек адабиётида ижтимоийлашган аёллар образининг адабиётда ифодаланиши ОТ-Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1255-2450 маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек романларида аёл образини яратишнинг тизимли талқинларини юзага келтириш борасида муайян хулосаларга келинган;

истиклол йилларида яратилган аёллар образи хусусида Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Адабий жараён” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” каналининг 2020 йил 13 октябрдаги 01-16/100-сонли маълумотномаси). Натижада томошабинлар Н.Норқобилов, Луқмон Бўрихон романларида тасвирланган аёллар образининг характер хусусиятлари, фожиаси омиллари билан яқиндан танишишларига эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро конференция ва 6 та Республика илмий-назарий анжуманларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

**Натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола эълон қилинган бўлиб, улардан 4 таси Республика журналларида, 1 таси чет эл журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш ва саккизта фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 135 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Адабиётда аёл образининг тарихий илдизлари” деб номланган биринчи боби икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл “Аёл образини яратиш тарихи ва адабиётшуносликда ўрганилиши” деб номланади. Мазкур фаслда аёл образининг диний манбаларда, афсона ва халқ дostonларида, мумтоз адабиётимиз намуналарида қандай тасвирлангани ҳамда жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши масалалари ёритилган.

Бу оламдаги барча жонзот ўз жуфти билан яратилган. Улар борликнинг боқийлигини таъминловчи асосий мавжудотлардир. Табиатнинг олий гултожи бўлмиш инсон ҳам жуфт – эркак ва аёл бўлиб яралган. Муқаддас Қуръони каримда зикр қилинишича, Одам бино этилганидан кейин, унинг осойиш топиши учун ўзидан жуфти – Ҳаво яратилади: “Улар (яъни аёллар) сизга либосдир, сиз уларга либосдирсизлар”<sup>1</sup>. Демак, одамзод бу ҳаётда либосга эҳтиёжманд бўлгани каби эркак ва аёл ҳам бир-бирига керакдир. Бу икки жинс бир вужудда жуфт бўлиб яратилибдики, мудом бири иккинчисига зарурат сезиб, талпиниб яшайди. Шу боис асли аъмоли инсонни тасвирлаш бўлган сўз санъати – адабиётда аёл мана шу жуфтликнинг бири сифатида у ёки бу тарзда ўзлигини намоён қилиб келмоқда.

Диссертацияда кўплаб тарихий-диний, бадий адабиёт намуналари орқали аёл образининг турли талқинларда намоён бўлиши ўрганилди. Жумладан, буддизм ғояларидан озиқланган “Олтин ёруқ” достонидаги “Шаҳзода ва барс” афсонасида малика – Она сиймосида гавдаланади. Қаҳрамонда мушфиқ аёлларга хос бўлган оналик меҳри, оналик туйғуси устунлик қилади. Бу ҳол оналар яралгандан бошлаб қалбида болам, дея талпинишларини тасдиқлаш баробарида даврлар ўтиши билан инсоннинг онгу тафаккури такомиллашиб борганига қарамай унинг қалби, туйғулари ўзгаришсиз, асл ҳолича қолавериши мумкинлигини кўрсатади. “Ўғузнома” достонида Ўғуз хоқонга йўлиқиб, унга фарзандлар ато этган аёлларда парига хос сифатлар акс этади. Аёллар инсонни хушидан айирувчи малак тимсолида пайдо бўлади. Улар хоқон наслининг давомийлигини таъминлашни зиммасига олган парилар сингари таассурот қолдиради<sup>2</sup>. Халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналаридаги аёллар образларида қаҳрамонлик мотивлари етакчилик қилса, баъзиларида синкретик образ сифатида ҳам қаҳрамонлик, ҳам оналик, баъзиларида эса қаҳрамонлик ва севиқли ёр тимсоли бирдек гавдаланади. Тўмарис, Зарина, Тўнжукқнинг қизи Пафабек, ҳатто жаҳонни забт этган Александр Македонский ҳам хужум қилишга ботина олмаган амазон аёллари, Бухорода ҳукмронлик қилган Тухшода хотунлар ҳукмдор ва жанговар аёллардир. Бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодининг айрим намуналарида “Барчин, Гулойим, Юнус пари, Мисқол пари, Холдорхон, Гулчехра; Малика айёр; Гулихиромон ва Хон Далли каби аёллар гўзаллиги, оқиллиги, ишқда вафодорлиги, жангу жадалларда кўркмаслиги ва эпчиллиги билан ажодларимиз хотирасида чуқур из қолдирган”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> [www.islom.uz](http://www.islom.uz). Қуръони карим. Бақара сураси, 187-оят.

<sup>2</sup> Раҳмонов Н., Болтабоев Х. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1-жилд. – Тошкент. Фан, 2003.–Б. 331.

<sup>3</sup> Ғолима М. Туроннинг алп қизлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б.5.

“Алпомиш” достонида қалмоқ алпларининг таҳдидларини писанд қилмаган Барчиной, меҳрибон сингил, оқилад қиз Қалдирғоч, “Гўрўғли” туркумидаги достонларда парилик хусусиятларидан воз кечиб, Гўрўғлига йўл-йўриқ кўрсатган, унга ёрдам берган Юнус пари, Мискол пари образлари характерлидир.

Мумтоз адабиётдаги “Гул ва Наврўз” достонида Гул садоқатли ёр, ботир ва жасоратли жангчи аёл. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” достонларидаги Ширин, Лайли, Дилором – бош қаҳрамонга муносиб жуфтлик тарзида тасвирланади. Шунингдек, бу достонларда энага образи ҳам юксак талқинини топган.

Аёл образи жаҳондаги барча халқлар адабиётида етакчи қаҳрамонлардан бири бўлиб келгани сабабли мазкур мавзудаги тадқиқотлар ҳам шу халқлар адабиёт илмида ўрганилиши табиийдир. Жумладан, инглиз ёзувчиси В.Скотт асарларида мумтоз, шотланд аёлларига хос типик хусусиятларни ўзларида мужассам этган аёллар ҳам, қилган қилмишлари учун тавбага тиз чўккан гуноҳкор аёллар, золим ва қонхўр оналар, содиқ хизматкор аёллар образлари ҳам бор<sup>1</sup>.

Америкалик тадқиқотчилар фанга “Аёллар адабиёти” деган тушунчани олиб киришди. Зеро, XX аср ўрталарига келиб жаҳон феминизацияси (феминизм – лотинчада социал ва ижтимоий фаолиятда аёллар ҳуқуқи учун ҳаракат) ўз таъсирини сўз санъати бўлимиш адабиётга ҳам ўтказаятган эди. Н.Бейм 1978 йилда “Аёллар адабиёти” номли китобини нашр қилди. Н.Бейм аёллар асарларининг ўзига хос типологик хусусиятларини кашф этди<sup>2</sup>. Япон адабиётшунослари “Япония аёллар адабиёти”ни шакллантирган адибалар ижодини ўрганиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, аёл ижодкорларнинг қаҳрамон образини яратишдаги гендерлик аломатларини аниқлади. Ю.Румак машҳур ёзувчилар асарларини таҳлил қилиб, уларда генетик жиҳатдан фарқни кўрсатди. Чунончи, япон адибалари асарларини японча ёзув (идеографик силлабик, яъни аралаш ёзув) билан, эркак ёзувчилар эса хитойча ёзувда ёзган. Чунки ўрта асрларда Японияда хитой тили илм-фан тили, расмий ҳужжат ва олимлар тили деб ҳисобланган. Мураккаблиги боис хитой тилини япон аёллари ўргана олмаганлар<sup>3</sup>.

Биламизки, рус адабиётида ҳам А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Гоголь, И.Тургенев, Н.Некрасов, А.П.Чехов, Ф.Достоевский, Л.Толстой сингари атоқли адиблар томонидан рус аёлларининг ёрқин образлари яратилган. Чехов ижодида аёллар (қари хотинлар, ёш хотинлар), қайноналар, ёвуз аёллар, енгилтак аёллар, ишчи аёлларнинг турли-туман қиёфалари

<sup>1</sup>Пакина Е.В. Типология женских образов в романах В. Скотта: Автореф. дисс ... канд.филол. наук. – Нижний Новгород, 2004. – 24 с.

<sup>2</sup>Қаранг: Baym N. Woman's fiction: F guide to novels by a. about women in America, 1820-1870. – Nhaga; London: Cernel unif.Press. 1978. – 320 p.; Бу ҳақда қаранг: Умурова Г. Зулфия бадий олами ва поэтик мактаби. Филол. фан. д-ри (DSc)... дисс. – Самарқанд, 2019. – 224 б.

<sup>3</sup>Румак Ю.С. Факторы формирования гендерных образов в культуре Японии: Автореф. дисс ... канд. культурологи. – Саратов, 2010. – 23 с.

трагикомик усулда гавдаланади. Чеховшунослар ўз тадқиқотларида ёзувчи асарларидаги айрим аёл қаҳрамонларнинг “прототип”ларини аниқлашган<sup>1</sup>.

Тургенев ижодида ҳам хилма-хил қиёфадаги аёллар образини учратиш мумкин. Хитойликлар ўтган асрнинг бошларида илк мартаба Тургенев асарлари орқали Россиянинг ҳақиқий ҳаётини кўрадилар. Тургенев яратган аёллар образи хитойликлар учун янги ва ғайриоддий туюлади. Ҳатто айрим хитой ёзувчилари асарларида Тургенев аёл қаҳрамонларининг айнан ўзини учратиш мумкин<sup>2</sup>. Татар маърифатчилиқ адабиёти вакиллари ўз асарларида аёл оилада бахтга эришиши учун маърифатли бўлиши ва нафақат маърифатли бўлиши, балки маърифатли одамга турмушга чиқиши керак, деган ғояни илгари сура бошладилар. Зеро, аёл оилада бахтини топиши баробарида фарзандни дунёга келтиради, уни юрт истиқболига муносиб инсон қилиб тарбиялайди ва натижада фарзанд миллат келажагини юксалтиради, деган ғоя асарлар замирига сингдирилган<sup>3</sup>. Ўзбек адабиётшунослари ҳам жаҳон адабиётининг нодир намуналаридаги аёллар образини ўрганишга киришдилар. Бу борада, айниқса, Ҳ.Мухамедова ва Н.Мухаммедованинг тадқиқотларида инглиз адиблари Ч.Диккенс ҳамда М.Дрэбблнинг аёл образини яратишдаги маҳорати ўрганилди<sup>4</sup>.

Бобнинг иккинчи фасли “**Ўзбек романларида аёл образининг яратилиши масалалари**” деб номланиб, унда XX аср ўзбек адабиётида аёллар образини яратишдаги ўзига хос жиҳатлар ўрганилди. Тадқиқотда 20 – 30-йиллар романларида аёллар ўзида севги ва муҳаббатни мужассам этувчи севиқли ёр, ўз замони қаҳрамони, чиркин давр иллатларини бартараф эта олмаган ожиза, фарзанд доғида қоврилган оналар тимсолида намоён бўлгани кўрсатилди. А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек романларидаги Кумуш, Раъно, Зеби, Гулнор каби аёл қаҳрамонлар тимсолида яқин ўтмиш фожиалари, хонликлар даврида эзилган, топталган аёллар, ҳарамдаги тутқун қизлар тақдирини, кундошлиқ зиддиятларини тасвирлаш етакчилик қилишига эътибор қаратилди. Шу орқали асарларда давр фожиалари ва маънавий инқирознинг туб илдизлари бадиий акс этгани ижодкор маҳорати нуқтаи назардан баҳоланди.

Айтиш жоизки, ўтган асрнинг 20–30-йилларида яратилган аёллар образлари галереяси яратилишида ўзига хос қонуният кузатилади. Шўро ҳуқумронлиги ўрнатилгандан кейинги дастлабки ўн йилликларида сиёсий, бадиий-публицистик тилда зўр бериб тарғиб қилинганидек, октябрь тўнтаришидан кейинги “фаровон ҳаётни”ни ўтмишдаги “чиркин турмуш”

<sup>1</sup>Хван П.Ч. Женские образы в прозе А.П. Чехова: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005.– 24 с.

<sup>2</sup>Қаранг:Li.T.Принципы художественной характерологии и типология женских образов в романах И. С. Тургенева 1850-х годов. Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Волгоград. 2002. – 22 с.

<sup>3</sup>Фаттакова А.А. Женские образы в татарской просветительской литературе:Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Тобольск, 2011.– 25 с.

<sup>4</sup>Мухаммедова Х. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси: Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – 22б., Мухаммедова Н.Э. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талқини: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс. – Тошкент: 2019. – 165 б.

билан қарама қарши қўйиб тасвирлаш ва шу орқали “социалистик ҳаётни куйлаш” адабиётдаги асосий тамойиллардан бирига айланиб борди. Айниқса, 30-йиллар адабиётида бу яққол кўзга ташлана бошлаган ва шўро ғояси билан қуролланган адабиёт жўр овозда “бахтли ҳаёт” ҳақида бонг ураётган эди. Шундай вазиятда, албатта, ўтмиш ҳаётидан олиб ёзилган (жанридан қатъи назар) ҳар бир бадиий асарда мушфиқ қаҳрамонлар фожиага маҳкум этиб тасвирланиши табиий ҳол деб баҳолаш ўринлидир. Буни қисман Кумуш ва Раъно, айниқса, Зеби ҳамда Гулнор сингари қаҳрамонлар қисмати тасвирида кузатамиз. Бинобарин, бу қаҳрамонлар қисмат битигида ўша қаттол замоннинг ҳукмрон мафқураси таъсир ва таъйиқи бўртиб кўринади.

Ўзбек адабиётида ўтган асрнинг 30-йилларида урф бўлган яна бир тамойил сифатида қўштирноқ ичидаги “социалистик ҳаёт” тасвирланган асарларда акс этган “меҳнаткаш хотин-қизлар (аёллар) образи”ни яратишдаги ўзига хос жиҳатларни кўрсатиш мумкин. Бу тамойил ўша вақтда кўпроқ кичик жанрларда кўзга ташланган бўлса, урушдан кейинги йиллардан бошлаб то мустақилликкача бўлган давр романларида ҳам етакчи тамойиллардан бирига айланди. Шу ўринда бу типдаги “меҳнаткаш аёллар образи” яратилишининг ижтимоий асослари ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, ҳаётнинг ўзида ҳам ўтмишда “уй одами” саналган аёллар шўро даврида чинакам “озод” бўлиб, далаларда жавлон уриб пахта етиштирадиган, бугдой ўрадиган қаҳрамонларга айланди.

Бинобарин, ўтган асрнинг 30-йилларда бошланган ва мустақилликкача давом этган ушбу тамойил – “меҳнаткаш хотин-қизлар образи”ни яратишнинг ижтимоий, мафқуравий, ҳатто маънавий (Турсунойга эргашиб комбайнчи бўлган қизлар ҳаётда ҳам маълум бир ғоя атрофига бирлашганини эслайлик) асослари бор эди.

Ушбу фаслда бу типдаги асарларга муносабат билдирилади. Зеро, 50–70-йилларда яратилган А.Қаҳҳорнинг “Қўшчиноқ чироқлари”, Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, Ш.Рашидовнинг “Бўрондан кучли”, А.Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, П.Қодировнинг “Қора кўзлар”, О.Ёкубовнинг “Эр бошига иш тушса”, С.Аҳмаднинг “Уфқ” (ўша пайтда шу ном билан эълон қилинган) каби романларида яратилган Сиддиқжон билан Ҳанифа (Канизак), Ойқиз билан Олимжон, Ўктам билан Комила, Низомжон билан Зебихонлар колхоз далаларида тенг меҳнат қилиб бахтини топаётган меҳнаткашлар образидир. Таъкидлаш жоизки, бу асарларни фақат давр ғояларига ҳозиржавобанлик билан ёзилган асарлар сифатида баҳолаш ноўрин. Чунки адибларимиз аёллар образи замирига ўзларининг яширин қалб кечинмаларини, даврнинг оғриқли муаммоларини ҳам сингдириб юборишганки, ҳозирда амалга оширилаётган тадқиқотларда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ўша даврда шўро мафқурасининг чорловлари таъсирида кўплаб “турсунойчи”лар, “БАМ”чилар майдонга чиққанини ҳам унутмаслик лозим.

Ушбу фаслда О.Ёкубовнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романларидаги туркум аёллар образларида давр ва шахс фожиасининг янги қирралари ёритилгани

ўрганилди. Бу асарлар қаҳрамонлари 50–60-йиллардаги “меҳнаткаш аёллар”дан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Бу образларда энди фақат фидойи меҳнаткаш тимсолинигина эмас, балки инсоний дардни ҳам кўрамиз. Уларнинг турмуш тарзида кемтикликлар бор. Чунончи, бу жиҳатдан Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидаги Робия, Башорат, Раъно, О.Ёқубовнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” романидаги Ойсулув (Сулувжон) образларида бўртиб кўринади.

Бу давр романларида бир туркум алданган, хўрланган, ожиза, хиёнаткор, тадбирли, бирор касбнинг бошини тутган, қатъиятли, ўз сўзига эга аёллар образи билан бирга маишатпараст, маккора аёллар образи галереяси ҳам яратилдики, айна ҳолат адабиётда образлар яқраглигидан халос бўлиб, турфа хил характерлар яратиш йўлига ўтилаётганидан далолат беради. Саксонинчи йиллардаги ижтимоий-маънавий янгиланишлардан кейинги эврилишлар аёллар образи талқинини ҳам янгилай бошлади ва мустақилликкача бўлган даврда ўзбек адабиётида аёл қаҳрамонлар образининг турфа қиёфаларда гавдаланди. Бу адибларимиз давр руҳини чуқур ҳис қилганликларидан далолат беради.

Иккинчи боб **“Замон ўзгариши ва аёл образига янгича ёндашувлар”** деб номланди ва уч фаслдан иборат. Унинг **“Бадий тафаккурдаги янгиланиш ва аёл образи талқинидаги ўзига хослик”** деб номланган биринчи фаслида Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” ҳамда “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романларидаги аёллар образи таҳлилга тортилган. Адиб бу романларида шўро даври ҳаёт тарзини қайта бадий “тафтиш” қилди, “меҳнат қаҳрамон”лари бўлган аёллар образини фожиали қаҳрамон даражасига кўтариб тасвирлади.

Ёзувчи “бахтли турмуш”ни куйлаган қаҳрамонларнинг ижтимоийлашувини, бунинг оқибатида улар бошига тушган фожиаларни, руҳий кечинмаларни, турмуш қийинчиликларини қайта гавдалантирди. Бир асрлик давр мобайнида аёл образининг эврилиши, ижтимоийлашув фожиаси уч авлод тақдири мисолида кўрсатилди. Дастлабки романда биринчи авлодга мансуб Момомиз, иккинчи авлод вакили Онамиз ва учинчи авлод сифатида Аёлимиз қисмати тасвирланган бўлса, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида уч авлод аёлларининг биринчиси Зайнаб, кейингиси Обод Мирзахўжаева ва ниҳоят учинчи авлод вакиласи сифатида Дилбар Мирзахўжа қизи образлари яратилди. Ёзувчи “Отамдан қолган далалар” романида аёллар образини жуфтлик сифатида тасвирлайди. Икки асарда ҳам улар фожиали қаҳрамон даражасига кўтарилади. Биринчи авлод намояндалари фожианинг илдизини теран ангай олмай ўтган бўлсалар, иккинчи авлод вакиллари Онамиз ва Обод Мирзахўжаевалар ўзларида ижтимоий қаҳрамонни намоён эта бошладилар. Сталин замонида Болхин теримчи деган ном чиқариб, пахта даласида фарзанд дунёга келтириб, меҳнат қила-қила ундан бахт тополмаслигини англаган аёлдир. У “меҳнат қилиб мен ким бўлдим”, деб ўзига савол берса-да, бироқ исён қила олмайди. Исми Пахтаой, касби эса пахтакор бўлди. Эшон авлодидан Обод Мирзахўжаева шўро мафкурасининг таълимини олиб вояга етган. У Шўро замонида шўро қизи бўлиб улғайди ва паранжини

эскилик саркити деб билиб, “озод Шарқ хотин-қизлари” сафига кирди. Ёзувчи романда она ва қиз дунёқарашларидаги зиддиятни ишонарли тасвирлайди. Она бошқа замон таълимини олган, шу боис ҳамон паранжида юради. Қизи Обод эса ўзгача тузумда яшади ва паранжисини ташлади. Она номахрамлардан юзини яширган бўлса, қиз номахрамлар даврасига кириб, ўз даврининг фаолига айланди. Учинчи авлод вакиллари – бу Аёлимиз ва Дилбар Мирзахўжа қизи образларидир. Бу икки образда аёллар фожиаси кульминацион нуктага олиб чиқилган. Деҳқонқулнинг аёли шўро даврида туғилган, умри фақат меҳнатда ўтди. У меҳнатдан бошқа гўзал турмуш ҳам борлигини билмайди. Аёл турмуш қийинчиликларига дош бера олмай ўзига ўт кўйган 753 нафар хотин-қизнинг умумлашган образидир. Собиқ шўро давридаги Диля қизил салтанат барҳам топганидан кейин Дилбар Мирзахўжа қизи бўлди. У энди кейинги сиёсий ҳаётга, қайта қуриш даврига мослашмоқда. Ёзувчи мафкуранинг қурбонига айланган аёллар фожиасини Диля образи орқали кўрсатади. Диля шўро тузуми даврида бузук аёл эди, сўнг гўёки “муслима”га айланди, француз авангардизмининг шайдоси эди, тузум тугатилганидан кейин Қуръондан, диндан сўз очадиган бўлди. “Отамдан қолган далалар” романидаги Клара Ходжаевна эса Роза Люксембург, Клара Цеткиндек коммунист бўлиб, партия сафига кириб, буюк марксист бўлишни хоҳлайди. Шўро даври қаҳрамони Турсуной Охунова бўламан деган “турсунойчи” қизлар Норгулой, Хурсандой, Зиёднинг онаси – боласидан ажралган кампир образлари ҳам характерлидир. Айнан кампир ва унинг ўғли Зиёд орқали мустабид тузумнинг яна бир чиркин томони кўрсатилади. Ёзувчи “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида Ботир фирқа ва унинг кампирини бир-бирига монанд жуфтлик сифатида маҳорат билан тасвирлайди. Умрини бағишлаган эътиқодидан айрилиб, маънан тушкунликка тушган чолини ҳаётга қайтариш учун кампир бор “хунари”ни ишга солади. Ёзувчи уни бир меҳрибон жуфти ҳалол сифатида бор бўйича кўрсата олган. Кампирнинг тадбирли аёллиги, ундаги “айёрлик”, билса ҳам билмасликка олиб гапириш одатлари ҳам ёзувчи маҳорати маҳсулидир.

**“Ўзбек адиблари романларидаги аёл образининг бадиий талқинлари”** номли иккинчи фаслида Исажон Султоннинг “Генетик” романидаги София, Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн”ида Ойбекач ва “Дашту далаларда” асаридаги Ойбарчин образлари қиёсан таҳлилга тортилди.

София холадаги Момо Ҳаво гени, Ойбекачдаги туғма кайвонилик ва Ойбарчиндаги энасидан ўтганлик бирикмасини ёнма-ён кўйсак, бу уч бирикма мантиқан бир нуктада бирлашиб, аёлларимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган энг характерли белгиларини намоён этганликларини ҳис қиламиз. Адиблар томонидан ифодаланган ушбу муштарак хислатлар асарларга юклатилган поэтик маъно моҳиятини очиш, ижодкорларнинг бадиий-эстетик ниятини юзага чиқариш билан бирга, қаҳрамонларнинг характер сифатида ўзлигини намоён этишида ҳам кўринади. София хола гени Момо Ҳавога бориб туташади. Яъни аёл Одамдан яралди ва унга (Ҳавога – аёлларга) эрларига итоатли бўлиш, сирлари, мулклари ва обрўларини сақлаш ҳамда уларнинг хизматини қилиш каби вазифалар юкланди. Демак, аёллик,

оналик, соддалик, ишонувчанлик Момо Ҳаводан бошланди. Бу хусусиятлар Момо Ҳаводан яралган аёлларга мерос бўлиб ўтди. Ундан яралган жамики аёлларда Момо Ҳаводан ўтган вазифа, Момо Ҳаводан ўтган хусусият, Момо Ҳаводан ўтган кемтиклик бор. Ровий София холада Момо Ҳавонинг генини топдим, деганида наслдан-наслга ўтиб келаётган айнан шу хусусиятни, аёл зиммасидаги вазифаларни назарда тутган, эҳтимол. Ойбекачда туғма кайвонилик хислати бор. Бир фарзанд ёхуд юрт олдидаги бурчига содик оналар, маликалар, хукмдорлар, душманга қарши исёнга, курашга ундаган улкан юракли аёллар халқ дoston ва қиссаларида кўп учрайди. Асирларни исёнга ундаган Зарина, душманга таслим бўлмаган, уларга қарши аёвсиз жанг қилган Тўмарис, Ойсулувлардаги мардлик, ўктамлик, гўзаллик, шижоат, бошқарувчилик мотивларининг синтезлашувини Ойбекач образида кўрамиз. Демак, Ойбекачда шу момоларнинг қони, буюк оналик хислати, исёнкор юраги бор. Аёл момолардан ўтган мерос фазилатлар боис “уларни (асирларни – Ў.М.) озод этиш ҳақида қайғурар, бу борада ўзича турли тадбирлар ўйлаб топар, сўнг ҳамиша иккиланиб қолаверарди”<sup>1</sup>. Зеро, Ойбекач ҳар бир асир йигитда бир қабилани, бир уруғни кўрар эди. Ойбекачнинг момолари ҳам кайвони, жўмард, зукко аёллар бўлишган. Унда момолари каби қавми бошқариш салоҳияти бор.

Маълумки, кўз қалбда кечаётган ҳис-туйғулар кўзгуси ҳисобланиб, одатда, қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ифодалашда кенг қўлланилади. Ёзувчи Ойбекач руҳиятидаги ўзгаришлар, ички кечинмаларни кўз ва қарашлари (мунгли қараш, ўтли қараш, мағрур қараш, таънали қараш) орқали очиб беришга уринган. Ойбекач кўзи билан сўзлайди, нигоҳи ёрдамида кулларни исёнга даъват этади.

Н.Норқобилов романда “кайвони” сўзини бир қадар кенгроқ маънода ишлатишга интилади. Кайвонилик фақат кўпни кўрганликда, кўп нарсани билганликда эмас, балки аёлга, инсонга хос талайгина хусусиятларга ҳам эга бўлишдир, деган фикр асар замирига сингдирилгани яққол сезилади. Бундай гўзал фазилатлар аёлларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, шунчаки шаклланмайди. Яъники, аждодлар қонидаги хоҳ ижобий, хоҳ салбий хислат, албатта, кейинги авлодларга ўтади ва ўз кучини кўрсатади. Ойбекачда ҳам улуғ момоларидан қолган зукколик, тадбиркорлик, ўктамлик, жўмардлик, бошқарувчилик салоҳияти бор ва бу аждодлардан авлодларига ўтган хусусиятларни Итолмас қабиласидаги бемаъни одатлар ҳам, зулмлар ҳам йўқота олмайди.

Ойбарчин “қадди қомати тик”, “тиниқ юзли”, “юзи ажинларсиз” тасвирланган. Терисининг ранги, қоши, кўзи, сочи каби бошқа аёллардан ажратиб турувчи таърифлар романда учрамайди. Аммо Ойбарчин исми билан ишора қиляптики, у Сурхон онаси бўлмиш Барчиной авлодидан. Достонда ўзбек халқининг ўтмиши ҳикоя қилингани ва унинг одамлар руҳига сингиб кетгани боис қизларга Барчиной, йигитларга Алпомиш издошлари деган таърифлар берилади. Ойбарчин ҳам Барчинойнинг гўзал сифатларини ўзида

<sup>1</sup>Норқобилов Н. Қорақуюн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 100.



жамлаган аёл образидир. Ёзувчи Ойбарчин Барчинойлар авлодидан эканини ва унда Барчинойга хос гўзаллик, латофат, садоқат мужассамлигини айтишга уринади.

Исажон Султон София исмида диний ва миллийликни уйғунлаштиришга интилган. София – юнончада “илоҳий донолик”, арабчада “мусаффолик” маъноларини англатади. Баъзан қишлоқ одамлари “Софияхон”, “Софияой” ёки “Сапия” деб чақиришади. Н.Норқобилов аёллар исмларига алоҳида тўхталиб, изоҳлаб ўтирмайди, балки “ой” кўшимчаси билан ифодаланадиган Ойгул, Ойбарчин, Ойбекач исмларини танлаш билан чекланади.

В.Алимасов “Гендер фалсафаси” китобида: “Эркак буюкликка интилади, валеқ буюкликка етиш унга насиб этавермайди: аёл буюкликка интилмайди, аммо у мудом буюқдир”<sup>1</sup> деб ёзади. Дарҳақиқат, улар ўз асарларида кўпинча аёлнинг шу тарзда буюқ ва севимли бўлиб қолишларига катта эътибор қаратишади. Кўп ҳолатларда аёлларни турмуш қийинчиликларидан асраб-авайлаб, жуфтликнинг ожиза вакили сифатида эҳтиётлашлари кузатилади.

Учинчи фасл “**Аёл образининг қиёсий-типологик таҳлили**” деб номланган.

Адабий ҳодисаларни қиёслашга, чоғиштиришга асосланган метод XIX асрда пайдо бўлган. Унинг дастлабки белгиларини Европа давлатларида: Германияда И.Гердер, И.Гёте, Англияда Ж.Дендон, Испанияда Ж.Андрес, Венгрияда Ҳ.Мелтзл Де Ломнитз, Ирландияда Ҳ.Поснетт каби олимлар тадқиқотларида учратиш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус адабиётшунослигида ҳам ушбу метод кенг қўлланила бошлади. Рус адабиётшунослигида бу методнинг қўлланилиши ва ривож топиши А.Веселовский номи билан боғлиқ. Кейинчалик А.Веселовскийнинг назарий қарашларини рус олимларидан В.Жирмунский, Н.Конрад, И.Неупокоева, Д.Дюришин, А.Кокорин, М.Богаткина, М.Храпченко сингари олимлар илмий изланишлари билан янада бойитди.

Ўзбек адабиётшунослигида қиёсий таҳлил методига доир илмий қарашлар ўтган асрнинг 60–70-йилларидан ўрганила бошланди. Хусусан, Ҳ.Ҳомидов, Ш.Абдуллаева ва С.Иброҳимов томонидан нашрга тайёрланган “Адабиётшунослик терминлари луғати”<sup>2</sup> да, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовнинг “Адабиётшунослик терминлари русча-ўзбекча изоҳли луғати”<sup>3</sup> да қисқача таъриф берилган. 80-йилларда Б.Саримсоқовнинг “Фольклоризмлар типологиясига доир”<sup>4</sup> ҳамда А.Жабборовнинг “Қиёсий адабиётшуносликка кириш”<sup>5</sup> мақолаларида қиёсий методга оид илмий-назарий қарашлар баён қилинган. В.Жирмунский туркий халқларнинг қаҳрамонлик эпосларини қиёсий ўрганиб, ўзбек фольклоршунослигида илк қадамни қўйди. Шу боис қиёсий метод фольклоршуносликда кенг қулоч ёйди. Ш.Холматов ўзбек,

<sup>1</sup> Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2008. – Б. 45.

<sup>2</sup> Ҳомидов Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимов С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 298 б.

<sup>3</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминлари русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 364 б.

<sup>4</sup> Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. № 4.

<sup>5</sup> Жабборов А. Қиёсий адабиётшуносликка кириш // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. № 3. – Б. 8-12.

тожик, туркман, кирғиз, қорақалпоқ халқлар адабиётидаги масал жанрларини жаҳон халқлари масалчилиги билан қиёслаб ўрганди. Ҳозирда қиёсий методга оид Н.Каримов, Б.Назаров, С.Мели, И.Ҳаққулов, Б.Каримов, Д. Қуронов, Г.Халлиеванинг илмий-назарий тадқиқотлари маълум.<sup>1</sup>

Бу фаслда Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” ҳамда Ч.Диккенснинг “Катта умидлар” асаридаги аёл қаҳрамонлар фожиаси тасниф ва таҳлил қилинди. Лолахон ҳам, Эстелла ҳам ўз орзуларини ичига ютиб яшайдиган, ҳаёт тарзини ўзи қура олмаган, ўзгалар томонидан белгиланган ҳаётда яшашга маҳкум фожиали образлардир. Бу қаҳрамонлар фожиасининг муштараклиги қуйидагича тасниф қилинди:

**1. Фожиа омили.** Лолахон ижтимоий-мафкуравий, Эстелла табиий ёки режалаштирилган фожиа қурбонидир.

**2. Романларда кампир образининг иштирок этиши.** Севги-садоқат тимсолидаги фахрий депутат ва алданганлигидан ўзини-ўзи фожиага маҳкум қилган мисс Хевишем образларидир. Фахрий депутатнинг кўнгли ярим, мисс Хевишемнинг юраги зада.

**3. Фожиани такрорламаслик истагининг муштараклиги.** Лолахон ҳам, Эстелла ҳам ўзидан олдинги кампир фожиасини такрорламоқчи эмас.

**4. Романларда ҳикоячи қаҳрамонлар образининг мавжудлиги.** “Жазирамадаги одамлар” романи ҳикоячиси Самад бўлса, “Катта умидлар” асарида Пип. Самад тилидан Лолахон фожиаси сўзлаб берилади. Эстелла ва Хевишемнинг аччиқ қисмати ҳам Пип билан боғлиқ сюжет воқеалари ичида кечади.

